

Ҳар бир сўзи ибрат
Раҳмонова Сайёра Ражабовна
Ф.Ф.Н. Ўзбекистон давлат Консерваторияси

«Бахтим бор: ажойиб кишилар аро
Туғилиб, гуркираб... кексаяр умрим,
Ўшалар ҳаётим йўлини ёритган нурим»

Эзгуликка интилиш ҳамма замонда ҳам бахт келтирган. Яъни, қалбни поклаб, гўзал орзулар ва олий мақсадларга ошно қилган. Дунёда илм туфайли келадиган эзгуликдек бебаҳо саодат йўқлигини ҳар бир инсон англайди. Биз университетда таълим берган устозларни доимо миннатдорлик билан эслаймиз. Бизнинг эндигина уйғонаётган имкониятларимизга қанот бағишлага нўшазотлар ҳақида ҳар битта талаба ўз таассуротини ёзаверса, неча-неча жилдлик китоблар яралиши мумкин.

Вилоят Файзиева бизга «Жаҳон адабиётига кириш» фанидан дарс берган. Вилоят опа ниҳоятда чечан, гаплари бурро ва равон, ҳар бир сўзини назарий хулоса билан яқунларди.

Вилоят Файзиевани эслаганда у кишидан сабоқ олган бир талаба мисол ўз эҳтиромимни билдираман.

Вилоят Файзиева жаҳон адабиётидан маъруза ўқиганида миллий адабиётлар ва қадриятлар, урф-одат, анъаналарнинг ўхшаш ва фарқли томонлари ҳақида тушунча бериш орқали талабаларни фанга кучлироқ қизиқтирарди. Қардош ёзувчи ва шоирлар ижоди ўрганилганда, албатта, мавзу юзасидан очиқ мулоқот ўтказилар, ҳар бир талаба ўз фикрини билдиради. Бу усул аввало ёшлар учун ўз мулоҳазаларини тўғри ифодалаш имкониятини берарди, муҳими гуруҳда ўша асарни барча талаба ўқирди.

Шогирд-устоз ҳаққини бир неча саҳифалик сўз билан ифодалаш қийин. Агар бу саҳифаларга жо бўлган сўзларда самимий меҳр, оқибат ва садоқат туйғулари жо бўлса, устоз ҳаққи адо бўлса ажабмас. 20 йилдан зиёд устозу

шогирд мақомида бўлган инсон ҳақида ёзсанг китоб бўлиши табиий. Ой-нур сочганига, мушк эса ифор таратганига шукр қиларкан. Умр ҳам шундай: шукроналик қалбни поклаб, олий мақсадларга ошно этади.

Эътиқод йўлида холис ният билан ранж чекиб илм ўргатилган. Бу эътиқод абадий ҳақиқатлар билан қанчалик мослигини ҳаётнинг ўзи исботлайди. Зеро, дарахт эккан, бино курган, солих фарзанд тарбиялаган, муносиб шогирд етиштирган инсонга ёзилган ажру савоблар қиёматга қадар давом этиши барчага аён.

Олимлар суҳбати қалбни улғайтириб, дил ойнасини ғуборлардан тозалайди. Уларнинг илми - миннатсиз саховат, умри - риёсиз ибрат, йўли - яхшилик ва эзгулик, манзили бахту саодатдир.

Шу йўсинда устоз билан ўтказилган кўп йиллик унутилмас суҳбат ва муносабатлар нафақат илмий ва маънавий камолотимга, балки ижодкор зиёлилар билан доимий мулоқотда бўлишимга, адабиёт ва санъат вакиллари билан яқиндан танишувимга ёрдам берди.

Талабалик давридаги энг яхши хотираларимдан бири бизга асосан профессорлар дарс ўтар, уларнинг дарсларини қизиқиш билан тинглар эдик. Мен 10 йил мактабда, 5 йил университетда ўқиб кўп устоз кўрдим, кўп нарса ўргандим, шу ўринда менга ҳақиқий устозлик қилган домлам Вилояттопа Файзиева.

Менинг ҳаёт йўлимда шундай устоз учрагани, ўчмас из бўлиб қолади.

Инсон умр бўйи ўқийди ўрганади умр бўйи у устозга мухтож.

Вилоят Муротовна Файзиева 1940 йил 12 декабрда Тошкентнинг Шўртепа маҳалласида тўғилди. Ёшлигидаёқ ҳозирги Мирзо Юсуф маҳалласига кўчиб келиб мактабга жуда эрта, 6 ёшга тўлмасдан чиқди.

Аввал 12 – мактабда, кейинчалик 9 – мактабда ўқишини давом эттирди. Мактабни тугатиб, 1957 йилда Ўрта Осиё Давлат университетининг (Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) филология факультетига ўқишга кирди. Олима 1971 йилда "Тошкент конференцияси ва Ўзбек адабиётининг халқаро алоқалари" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Ўтган умрим давомида топганим, англаганим шу бўлдики дейди устоз сўз санъати – инсоният яратган, аниқроғи, Аллоҳ одамларга ҳадя этган ноёб неъмат, сирли олам. Шундай эканига такрор-такрор иқрор бўлдим. Чинакам санъат асарини ўқиганимда, томоша қилганимда ҳайратдан ўзимда йўқ яйрайман. Кўнглимда шу соҳага майл – меҳр уйғотгани, ризқимни шу соҳада бергани учун Яратганга шукроналар айтаман. Инсон фаолиятидаги ҳеч бир соҳа адабиётчалик сир-синоатга бой эмас. Инсон ва унинг табиати, қалби, руҳияти ҳақидаги ҳақиқатни кашф этишда ҳеч бир соҳа адабиёт билан тенглаша олмайди, унинг ўрнини босолмайди...

Устоз Олима олий даргоҳда кечган 40 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида булғор, поляк, мўғул, араб, эрон, япон, француз, немис адабиётларининг ўзбек адабиёти билан алоқалари, бу адабий алоқалар таъсирида яратилган янги асарлар ҳақида қатор рисоалар, ўқув қўлланмалари ва мақолалар эълон қилдики, бугунги кунда ҳам бу тадқиқотлар халқлар дўстлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳаётда нимага эришган бўлсам, бунга адабиёт сабаб деб хотиралайди устоз.